

EXPERIENCE OF THE USE OF FRAME IN THE THEORY OF COMPLEX SYSTEMS

Eshonqulov Sh.U.

Teacher of Jizzakh Polytechnic Institute

Annotation: Frames provide science with specific building materials, blocks, and blocks to construct a whole, i.e., a theoretical building or a science building, without describing the most important aspects of the ontology of reality being studied, or even existence in general.

Keywords: Thought, memory, building material, synchronization, block information, reference, correlation, analogies, information systems, information technology, subject, structure, theory, practice, technical, educational, cultural, aesthetic, methodological significance.

ФРЕЙМЛАРДАН МУРАККАБ ТИЗИМЛАР НАЗАРИЯСИДА ФОЙДАЛАНИШ ТАЖРИБАСИ.

Эшонкулов Ш.У.

Жиззах политехника институти катта ўқитувчиси

Аннотация: Фреймлар ўрганилаётган реаллик онтологиясининг ёки ҳатто умуман борлиқнинг энг аҳамиятли жиҳатларини тавсифлаб қолмасдан, фанни бир бутунни, яъни назарий бинони ёки илм-фан биносини бунёд этиш учун маълум қурилиш материали, синчлар ва блоклар билан таъминлайди.

Калит сўзлар: Фикр, хотира, қурилиш материали, синчлар, блоклар ахборот, референт, коррелят, аналогиялар, ахборот тизимлари, ахборот технологиялари, предмети, тузилиши, назарияси, амалиёти, техник, тарбиявий, маданий, эстетик, услубий аҳамияти.

ОПЫТ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ФРЕЙМОВ В ТЕОРИИ СЛОЖНЫХ СИСТЕМ.

Эшонкулов Ш.У.

Преподаватель Джизакского политехнического института

Аннотация: Фреймы предоставляют науке конкретные строительные материалы, блоки и блоки для построения целого, то есть теоретического здания или научного здания, без описания наиболее важных аспектов онтологии изучаемой реальности или даже существования в целом.

Ключевые слова: мысль, память, строительный материал, синхронизация, блок информации, справка, корреляция, аналогии, информационные системы, информационные технологии, предмет, структура, теория, практика, техническое, образовательное, культурное, эстетическое, методологическое значение.

Фрейм тушунчаси ҳозирги замон инглиз-америка руҳшунослиги ва таҳлилий фалсафасида кенг қўлланади. С. Ойянгнинг хизмати шундаки, у мазкур тушунчага кенгайтирилган талқин берди.

Мазкур ҳолатда фрейм, ёки синч тузилма муаллиф томонидан “умумий категориал тузилма” (general categorical framework) сифатида қабул қилинади. С. Ойянг бундай фреймларни эвклид геометриясининг бутун кўпликда сатҳдаги нуқталарни идентификация қилиш қоидалари билан бирга олинган координаталар тизими ва бошқалар сифатида тадқиқ қилади. Айнан фреймларни, муаллифнинг фикрига кўра, умуман оламнинг муҳим жиҳатларини тасвирлаш учун қўлласа бўлади.

Билишнинг бориш-келиш (мокидек) операциялари шаклидаги макроскопик қаторнинг тегишли тушунчаларини С. Ойянг кейинчалик синтез қилиш (“синтетик микротаҳлил”) мақсадида физикавий тузилмаларнинг (ва бошқаларнинг) микроҳолатларини таҳлил қилиш учун қўллайди. “Макро” ва “микро” тушунчаларининг ўзи бу ерда тегишли объектларнинг юқори ва қуйи тузилиш даражаларига мансублик масаласигагина тегишлидир (бизда СИи). Бунда ушбу амалларнинг П. Чарчленд руҳидаги “элементарив редукционизм” билан яқиндан алоқаси кўрсатилади. Бу хилдаги редукционизмнинг моҳияти шундан иборатки, агар қайсидир тузилиш даражасининг қонунлари бошқа бир қуйида ётувчи даража асосида тасвирланса ва изоҳланса, унда назарий тавсифлаш ва тушунтиришда биз ушбу даража назариясида улар ҳақида айтилган ҳамма

нарсани олиб ташлашга ҳақлимиз. Масалан, кимёгарлар кимёда айтган ҳамма нарсани эътиборга олмаслик, кимёни физика қонунларини жалб қилган ҳолда, унинг атама ва тушунчаларида тавсифлаш ва тушунтириш мумкин бўлади.

Бироқ С. Ойянг юқорида эслаб ўтилганлари каби негиз тузилмаларни қўллаш методологиясини атомизм, физикализм ва турли хил метафизик доктриналар билан аралаштирмаслик керак деб ҳисоблайди, лекин бу борада баҳслашиш мумкин бўлса-да. Шу билан бирга, бунақага ўхшаш тузилмалар назарий-методологик конструкция сифатида илмий амалиёт учун янгилик бўлиб, шу муносабат билан уларнинг редукционизм билан ўзаро муносабатлари умуман равшан эмас. С. Ойянгнинг ўзи пировардида фандаги барча феноменлар қўп бўлмаган сонли оддий тамойиллар ёрдамида тушунтириб берилиши мумкин ҳисоблайди. Бироқ қанақа?

Қандай тушуниш мумкин, чунки негиз тузилмаларни аниқлаш ва тавсифлаш услубининг ўзи моҳиятан фаннинг нафақат тавсифлашга, балки тушунтиришга ҳам қаратилган умумий методологияси учун негизли тузилма бўлади. Бироқ танқидчилар таъкидлайдиларки, агар С. Ойянг бу услуб физикада, статик механикада, ўзи мувофиқлашган майдон назариясида (Хартри-Фок яқинлашуви таҳлили) ишлаши мисолларини таҳлил қилишда кучли бўлса, унда назарий биология (масалан, генларда ва организмда “танлаб олиш”), иқтисод назарияси (масалан, микроиқтисод ва макроиқтисоднинг алоқаси) қонун-қоидалари ва бошқа масалаларнинг таҳлили унчалик ишончли эмас. Фрейм тушунчаси фақат СИН га тегишлими ёки бу қандайдир умумий тушунчами, бу нарсани аниқ эмас. Пировардида фаннинг ўзида биз у ёки бу йўлдан бориб, шунга ўхшаш негиз тузилмаларни ёки фреймларни қуришимиз борасида муаллифнинг фикрига қўшилмай бўлмайди.

Шуниси жуда муҳим ва қимматлики, улар амалий маъно ва инструментал функция касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, Фреймлар ўрганилаётган реаллик онтологиясининг ёки ҳатто умуман борлиқнинг энг аҳамиятли жиҳатларини тавсифлаб қолмасдан, фанни бир бутунни, яъни назарий бинони ёки илм-фан биносини бунёд этиш учун маълум қурилиш материали, синчлар ва блоклар билан таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Агеев С.В. О роли фреймов знаний в интерпретации метафизических выражений // WWW.amursu/8100/vestnik/7/6799.
2. Абульханова-Славская К.А. Диалектика человеческой жизни. –М.: Наука, - 1977.-С.224.

3. Аназтази А. Психологических тестирование.- в 2-х т. –М.: Педагогика, -1982. –т.2.-С.386.
4. Балабан М.А. От «продуктивной» к «редуктивной» этике образования // Школьные технологии.-2000.-№5. –С. 11-16.
5. Бабанский Ю.К. Методы обучения в современной общеобразовательной школе.-М.: Просвещение, 1985.-С.208.
6. Батышев С.Я. Блочно-модульное обучения. –М.:Транс-сервис, -1997. –С. 225.
7. Беспалька В.П. Педагогика и прогрессивные технологии. –М.: Педагогика, -1995. –С.286.
8. Беспалька В.П. Слагаемые педагогической технологии.- М.: Педагогика, -1998.-С.286.
9. Беспалька В.П., Татур Ю.П. Системно-методическое обеспечение учебно-воспитательного процесса.- М.: Педагогика, -1991. –С.144.
10. Бершадский М.Е., Гузеев В.В. Дидактические психологические основания образовательной технологии. –М.: Центр «педагогический поиск», -2003. –С.256.
11. Веккер Л.М. Психические процессы. –в 3-х т. –т.3. –Субъект. Переживание. Действие. Сознание. –Л.:Ленингр. Ун-т, -1981. –С. 325.
12. Гузеев В.В. Планирование результатов образования и образовательная технология. –М.: Народное образование, -2000. –С. 240.
13. Ғуломов С. ва бошқ. Ахборот технологиялари. - Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
14. Арипов М., Ахмедов А.Б., Икрамов Х.З., Ирмухаммедова Р.М.ва бошқ. Информатика. Ахборот технологиялари. 2-қисм. -Тошкент, 2003
15. Aripov M. Internet va elektron aloqa asoslari. – Toshkent: —Universitet II